


Имом ва муаззинларнинг масъулиятлари | Ҳадис дарслари (302-дарс)

Image not found or type unknown



19:00 / 09.10.2024 2449

ذُبَعِ نُبِ هَلَلِ ذُبَعِ نَعِ
عَصَعِ صَعِ يَبِ نُبِ نَمْحِ رِ
دِيَعِ سِ أَبِ نَأِ هُنَعِ هَلَلِ يِ ضَرِ
لِاقِ هُنَعِ هَلَلِ يِ ضَرِ يِ رُدْخِ لِ

مَنْ نَعْلُا بِحُتْ كَارَأ يُّنَا إُهَل
ي فَتَنْكَ إِذِإْف ، ةَي دَابُّلْ أَوْ
تَنْذَأْف كِتَي دَابُّ وَأَكِّمَنْغ
كَتْ وَصُ عَفْرَأْف ةَأَلِّصْ لِبَاب
عُمُ سَيِ أَلُّ هُنِإْف ، ءَأِدِّنْ لِبَاب
أَلْ وَنَجْ نَذُومُ لَاتُ وَصُ يَدَم
هَلْ دِهَشْ أَلِإُ ءَيَشْ أَلْ وَ سُنِإِ
دِي عَسْ وَبَأْ لَأَقِ . ةَمَأَي قُلْ أَمْ وَيِ
يَلِّصْ يِبُّنْ لَأَنْمُ هُتْ عَمَسْ
هَأُور . مَلَسْ وَهَيْلَعُ هَلْ لَأِ
يُئِئْ سُنْ لَأُورِ رَأُخُ بُلْ لَأِ

Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Соъсоъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У кишига Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳу:

«Мен сенинг қўйни ва чўлни яхши кўришингни билмоқдаман.

Қачонки қўйинг ичида, чўлингда бўлсанг-у, намозга азон айтадиган

бўлсанг, овозингни баланд кўтар. Чунки қайси бир жин, инс ёки бирор нарса муаззиннинг овозини эшитса, албатта, қиёмат куни унга гувоҳлик беради. Буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», деган экан».

Бухорий ва Насайи ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Соъсоъа розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Соъсоъа Мозиний ал-Ансорий ишончли ҳадис тўпловчи тобеъинлардан бўлганлар. Оталари улуф саҳобалардан эдилар. У киши ҳадисларни оталаридан, Абу Саъийд ал-Худрий, Ато ибн Ясор, Умар ибн Абдулазиз, Соиб ибн Ҳаммодалардан ривоят қилдилар.

Бу зот Абу Жаъфарнинг халифалик даврларида вафот этдилар.

Ҳадиси шарифда азоннинг ва азон айтувчи кишининг фазли яна ҳам оширилмоқда. Шу билан бирга, азонни иложи борича узоққа етадиган қилиб айтишга тарғиб қилинмоқда.

Ҳазрати Билол розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари атрофидаги энг баланд уй – Бани Нажжор қабиласидан бўлган бир аёлнинг уйи тепасига чиқиб азон айтар эдилар.

Бу ҳадисдан ёлғиз одам чўлда бўлса ҳам азон айтиб, намоз ўқиши яхши эканлиги маълум бўлмоқда.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّهٖ وَاعْمُ نَع
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَع
لَوْطَا نُونٌ دَوْمَلَا : لَأَقَمَّ لَسَو
ةَ مَا يَقْلَا مَوِي أَقَانُعَا سَانَلَا

دَمْحَ أَوْ مَلْسُ مِ هَاوَرُ

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Муаззинлар қиёмат куни бўйни энг узун одамлар бўлурлар», дедилар».

Муслим ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда муаззинларнинг фазли қиёмат куни олий даражада бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Улар ҳаммининг ичида алоҳида фазл билан ажралиб турар эканлар. Арабларда аслзода, улуғ кишиларни «бўйни узун» деб васф қилиш одати бор.

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءِيْرُهُ يَبَا نَع
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبَّنَلَا نَع، هُنَع
مَامِلَا : لَاقَ مَلَسَوِ هِيَلَع
، نَمَتُّومُ نَدُّومُلَاوُ نَمَاضُ
رَفُغَاوِ هَمِّيَّالَا دِشَرَا مَّهَلَلَا
دُوَادُ وُبَا هَاوَرُ . نِي نَدُّومُلَل
يِ ذِمَّرْتَلَاوُ يِعْفُشَلَاوُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Имом зоминдир, муаззин омонат эгасидир. Аллоҳим! Имомларни иршод қил, муаззинларни мағфират қил», дедилар».

Абу Довуд, Шофеъий ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда имом ва муаззинларнинг масъулиятлари баён қилинмоқда. Имом ўз қавмининг намози учун зоминдир. У намозини баркамол қилса, қавмининг намози ҳам баркамол бўлади. Агар имомнинг намози ўртача бўлса, бутун қавмининг намози ҳам ўртача бўлади. Имом ўзини пок тутиб, намозни аъло даражада ўқиб турса, ўзи ҳам, қавми ҳам ажру савоб ва олий мартабаларга эришадилар. Аммо бетавфиқлик қилиб, нуқсонга йўл қўйса, гуноҳи ўзига бўлади.

Шунингдек, муаззин ҳам ўз қавмининг омонат эгасидир. Унинг бўйнига бутун бошли бир қавмининг намози вақтида ўқилиши, рўзасининг вақтида тутилиб, вақтида очилиши юклатилган. Агар муаззин тақводор бўлиб, ўзига юклатилган омонатни шараф билан адо этса, улкан мартабаларга эришади. Лекин омонатга хиёнат қилса, иши расво бўлади.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ҳаққига дуо қилиб:

«Аллоҳим! Имомларни иршод қил, муаззинларни мағфират қил», дедилар».

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.